ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

148 (6009). 30 июль, 1977 йил ⊙ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети 1977 йил планини муддатидан илгари бажариш завод моддий-техника базасини янги каноп ҳосилини қабул қилиш ва сақлашга ўз вақтида ҳамда юқори сифатли тайёрлаш юзасидан янги оширилган социалистик мажбуриятлар олган Юқори Чирчиқ луб заводи коллективининг ташаббусини маъқуллади.

«Ташкентзаготлубпром» бирлашмаси корхоналари раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларига Юқори Чирчиқ луб заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективининг мурожаатини муҳокама қилиш, луб заводларининг моддий-техника базасини 1977 йил каноп ҳосилини қабул қилиш ва сақлашга ўз вақтида сифатли бўйича зарур ташкилий-техникавий тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш, бригадалар, участкалар ва цехлар коллективларининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шароитларни яратиб бериш таклиф этилди.

Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл район партия комитетлари, область луб саноати корхоналари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига Юқори Чирчиқ луб заводи коллективининг мурожаатини кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди.

Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи область комитетига социалистик мусобақани ташкил этишда Юқори Чирчиқ луб заводи коллективининг ташаббусини кенг жорий қилишга, планларни муддатидан илгари бажариш, луб заводларининг каноп ҳосилини тайёрлашга ўз вақтида ва юқори сифатли хозирлаб қўйиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам текшириш ва бу мусобақа натижаларини якунлаб туриш таклиф этилди.

Область ва район газеталари, телевидение ва радиоэшиттириш редакцияларига социалистик мусобақанинг боришини, луб саноати корхоналари ишчилари, бригадалари, участкалари ва цехлари коллективларининг тажрибасини кенг ёритиш вазифаси топширилди.

КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИДА

Конституция комиссияси СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қандай бораётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Комиссия СССР Асосий қонуни лойиҳасининг муҳокамаси сиёсий ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ўтаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Бу муҳокама совет гражданларининг зўр активлиги билан, фикр юритишдаги юксак гражданлик етуклиги билан, шунингдек Ватан қурилишининг ўсишига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборининг ошишига, Совет давлатини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга социалистик демократияни янада ривожлантиришга, жамиятимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан боришига кўмаклашадиган Асосий қонунни қабул қилишдан амалий ва самимий манфаатдорлик билан характерланади. Конституция лойиҳаси ҳамма жойда якдиллик билан маъқулланмоқда ва тўла-тўкис қўллаб-қувватланмоқда. Лойиҳани муҳокама қилиш ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ижодий кучларини КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш белгиси остида ўтмоқда. Кўпгина меҳнат коллективлари 1977 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Лойиҳани пропаганда қилиш, уни ўрганишни ва ишчанлик билан муҳокама этишни ташкил қилиш партия ва совет органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг диққат марказида турибди. Оммавий ахборот воситалари бу соҳада катта иш қилмоқда.

Меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида Конституция лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. 20 июлгача меҳнаткашларнинг 650 мингдан кўпроқ йиғилиши ўтказилиб, уларда 57 миллион киши иштирок этди.

Республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар ва районларда партия комитетларининг 4,5 мингдан кўпроқ пленуми, партия активларининг йиғилиши, 287 мингдан зиёд партия йиғилиши ўтказилиб, уларда коммунистлардан 1 миллион 925 минг киши сўзга чиқди. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг 50 мингдан кўпроқ сессияси, шунингдек иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг сессиялари ўтказилди. Бу сессияларда депутатлардан 322 минг киши сўзга чиқди. Конституция лойиҳаси пленумларда, актив йиғилишларида ва касаба союз, комсомол ташкилотларининг ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг йиғилишларида, СССР Қуролли Кучлари шаҳсий составининг йиғилишларида муҳокама қилинди.

Конституция комиссияси ва унинг раиси ўртоқ Л. И. Брежнев номига, маҳаллий органларга, газеталарнинг редакцияларига, радио ва телевидениега Конституция лойиҳасига баҳо берилган, унинг текстига таклифлар киритилган 67 мингдан зиёд хат келди.

СССР Конституцияси лойиҳасига халқаро майдонда кенг фикр билдирилмоқда. Чет эллик дўстларимиз, тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги социализм душманларининг туҳматдан иборат кампаниясига лойиҳанинг далилларга асосланган, ишонарли анализини қарама-қарши қўймоқдалар, улар лойиҳада социалистик демократия назарияси ва практикаси ўзининг ёркин ифодасини топган деб ҳисобламоқдалар.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Совет Иттифоқининг сиёсий ҳаётида омма актив иштирок этаётганлигининг ва улар ўз ҳоқимиятларини эркин изҳор этаётганлигининг яна бир ифодаси бўлиб хизмат қилади. Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумидаги докладида баён этилган қоидалар ва хулосаларни, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар. СССР гражданлари СССРнинг янги Конституциясида мустаҳкамланадиган социализмнинг буюк ғалабалари тўғрисида ҳурсандчилик билан фахрланиб гапирмоқдалар.

Конституция лойиҳасининг муҳокамаси совет кишилари давлат ва жамият манфаатларини ўзларининг жонажон ишлари деб ҳисоблаётганликларидан, мамлакат экономикасини ривожлантириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш тўғрисида, фаровонликни янада ошириш ҳақида, Совет умумхалқ давлатини мустаҳкамлаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганликларидан, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жиҳатларини такомиллаштириш, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун уларга Совет тузуми берган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла даражада фойдаланишга интилаётганликларидан далолат беради.

Меҳнаткашлар Конституция лойиҳасига Совет жамияти ҳаётида КПССнинг роли тўғрисидаги махсус модданинг, шунингдек Совет Иттифоқи тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ва принциплари ҳақидаги бобнинг киритилганлигини принципиал жиҳатдан муҳим эканлигини алоҳида таъкидламоқдалар. СССР иқтисодий системасининг асослари тўғрисидаги гражданларнинг кенг сайиб қолганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи ҳақидаги, уй-жой олиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар тўғрисидаги моддалар қизғин муҳокама қилинмоқда. Хатларда ва нутқларда совет гражданининг ҳуқуқлари билан бурч ва вазифалари узвий боғланганлиги тўғрисидаги Конституция лойиҳасининг қоидалари тўла-тўкис маъқулланиб, қўллаб-қувватланаётганлиги билдирилмоқда, меҳнат ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, зарурлиги, социалистик мулкни асраш ва уни тежашга бепарволик билан қараш, ичкилибозлик, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш, порахўрлик сингари жамиятга зид бўлган ҳодисаларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Меҳнаткашларнинг кўпгина таклифлари ёш авлодни тарбиялашни яхшилаш, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида қилинаётган ғамхўрликни кучайтириш масалаларига бағишланган.

Конституция лойиҳасига оид таклифлар ва мулоҳазалар Конституция комиссиясида диққат билан кўриб чиқилмоқда. Бу таклифлар ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун малакали мутахассислар, министрликлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари жалб қилинган. Бирорта муҳим фикр, бирорта амалий таклиф эътиборсиз қолдирилмаслиги керак — Конституция комиссияси масалани ана шу таҳлитда қўймоқда.

Гражданларнинг хатлари ва нутқларида ҳозирги хўжалик ишлари, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, давлат аппаратининг ишини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар ва танқидий мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Бу таклифлар ва танқидий мулоҳазалар умумлаштирилмоқда, тегишли министрликлар, партия, совет органлари ва бошқа муассасалар уларни амалга оширишга чораларини кўрмоқдалар.

Шу билан бирга Конституция комиссияси Конституция лойиҳасини тушунтириш ва муҳокама қилиш ҳамма жойда ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб борилмаётганлигини, камчиликларни бартараф этишга, ҳар бир ходимнинг топшириган иш учун масъулиятини оширишга қаратилмаётганлигини таъкидлайди. Газета, радио ва телевидениенинг баъзи редакциялари билдирилган фикрлар таққосланган обзор материалларини онда-сонда эълон қилмоқдалар, лойиҳанинг назарий қоидаларини, амалдаги қонунларни тушунтириб бериш мақолаларни кам босиб чиқармоқдалар.

Конституция комиссияси тегишли давлат ва жамоат органларига ҳамда ташкилотларига қайд қилиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўришни ҳамда СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишни бундан буён ҳам планли равишда кучайтиришни таъминлашни тавсия этди.

Конституция комиссияси СССРнинг янги Асосий қонунида ўз ифодасини топган коллектив ақл-идрок, миллионларнинг коллектив тажрибаси коммунистик қурилиш соҳасида янги-янги муваффақиятларга эришишнинг қудратли манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари метросозлар билан биргаликда йўлнинг тайёр участкаси бўйлаб метро вагонида Собир Раҳимов номли станциядан «Чилонзор» станциясига бордилар.[ЎзТАГ].

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ЛУБ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ОБЛАСТЬ БАРЧА ЛУБ САНОАТИ ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Юқори Чирчиқ луб заводи коллективи бутун совет халқи каби ишлаб чиқариш илғорлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бораётган социалистик мусобақа ташаббускорларининг тажрибасини ўрганиб, партиямиз XXV съезди қарорларини бажариш учун зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми қарорлари корхона коллективининг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини янада ошириб юборди.

Завод коллективи беш йилликнинг иккинчи йилида зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқда.

Шу йилнинг олти ойи учун маҳсулот реализация қилиш бўйича белгиланган топшириқ 108,7 процент қилиб адо этилди, топшириқдагидан ташқари 246 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,9 процент кўпдир. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 109,2 процент қилиб бажарилди, бу топшириқдагидан 255 минг сўмлик ва ўтган йилги даражадан 7,4 процент кўпдир.

Каноп толаси ишлаб чиқариш плани 104 процент, шу жумладан узун тола тайёрлаш 103 процент қилиб адо этилди. Пландагидан ташқари 64 тонна каноп толаси ишлаб чиқарилди, меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқ 109,2 процент қилиб адо этилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,6 процент ортиқдир, фойда олиш бўйича топшириқ 128 процент қилиб бажарилди.

Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг барча мавжуд резервлари тўла фойдаланилмаётганлигини, каноп хом ашёсини қабул қилиш, ғарамгаш ва сақлаш кўнгилдагидек ташкил этилмаганлигини, бу аҳвол завод ишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётганлигини тушунамиз.

Ҳозирги вақтда каноп етиштирадиган хўжаликлар далаларида канопдан юқори ҳосил олиш учун фидокорона кураш бормоқда. Бу қимматли хом ашёнинг ялпи ҳосили ўтган йилда эришилган даражадан анча ортиқ бўлиши кутилмоқда. Бизнинг вазифамиз ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили каноп ҳосилини қабул қилишга сифатли ва ўз вақтида ҳозирланишдан каноп тайёрлашни юксак даражада ўтказиш, канопни қабул қилиш ва сақлашда юқори сифатли йиғиб-теришдан ҳам ошадиган ишларни қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз 1977 йил учун қуйидаги оширилган мажбуриятларни зиммамизга оламиз:

— 1976 йил каноп ҳосили хом ашёсини қайта ишлашни муддатидан илгари — 10 августгача тугалланади;

— завод моддий-техника базасини янги каноп ҳосилини тайёрлашга, ҳар куни йиллик планнинг камида 6—7 процентини миқдорида каноп қабул қилишни таъминлашга қаратилган қўшимча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширамиз;

— завод хом ашё базасида канопни турли ва сортига қараб жойлаштиришнинг схема ва плани ишлаб чиқилади. Бунда ёнғинга қарши эҳтиёткорликнинг янги нормалари ҳисобга олинади;

— автомобиль, лаборатория, тарозилар ва приборларни ремонт қилиш, текшириш ва мукралаш, механизация ва ёнғинга қарши ишлатиладиган барча воситаларнинг ремонти 1977 йилнинг 1 августигача тугалланади;

— 1977 йилда колхозлар томонидан топширладиган каноп ҳосилини қабул қилиш ва баҳолашда бу хом ашёга нисбатан кўлланиладиган давлат стандартларига, тайёрлаш, сортларга ажратиш ва комплектлаш тартибига қатъий риоя қилиниши таъминланади;

— хом ашёни ғарамловчи бригадалар тажрибали ишчилар билан комплектланади ва улар билан канодни тўғри ғарамлаш бўйича инструктажлар ўз вақтида ўтказилади, канопни сақлашда унинг табиий сифатлари сақланиб қолиши учун лозим бўлган барча профилактик чоралар кўрилади;

— канопни парвариш қилиш, йиғиб-териб олиш ва қайта ишлашни таъминлаш бўйича қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан доимий ва яқин алоқалар ўрнатилади, каноп экадиган хўжаликларга улар топширадиган маҳсулотларнинг ишчи намуналари ўз вақтида бериб турилади;

— каноп йиғим-терими ва ундан кўк луб олиш учун қайта ишлаш бошланиши олдидан барча хўжаликлар, бригадалар-да ҳосилни сифатли йиғиб олиш ва уни топшириш учун комплектлаш бўйича семинарлар ўтказилади, кўк луб ва каноп поясини топширувчилар ўқитилади;

— завод коллективи ўртасида тайёрланган хом ашёдан, технологик асбоб-ускуналардан фойдаланишни янада яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган узун ва катта каноп толаси сифатини ошириш юзасидан ташкилий-техникавий ишни амалга ошириш давом этаверади, республикамиз ва мамлакатимизда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича бошланган социалистик мусобақа ташаббускорларининг ташаббусларини оммалаштириш бўйича ташкилий ва агитация-оммавий ишлар янада кенг авж олдирилади;

— қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, тайёр маҳсулотни истеъмол қилувчилар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчилар билан «минглар шартномаси» бўйича мусобақа ривожлантирилади ва кучайтирилади;

— истеъмолчиларга маҳсулотнинг белгиланган ҳажм ва ассортиментда етказиб берувчиши таъминланади;

— маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича йиллик план муддатидан илгари — 1977 йилнинг 1 ноябригача бажарилади ва йил охиригача йиллик пландагидан ташқари 560 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Биз ушбу мажбуриятларни қабул қилиб, Тошкент областидаги барча луб саноати корхоналари коллективларини ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга, барча куч, билим ва тажрибаларини партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) ва май (1977 йил) Пленумлари қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини кўтариш бўйича вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, давлат планлари ва шонли юбилей — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишига сафарбар этишга чақирамиз.

Ушбу мажбурият Юқори Чирчиқ луб заводи коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

МЕТРОСОЗЛАР ЗАРБДОР ВАХТАДА

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёрлаётган энг муҳим туҳфалар қаторида метрополитеннинг биринчи навбати ҳам бор.

Тошкент метрополитенининг қурувчилари ўзларининг энг муҳим вазифаларини муҳокама қилмоқ учун 29 июль куни тўпландилар.

«Ташметрострой» бошқарувчиси П. В. Семёнов, метрополитен бошлиғи Ш. Р. Шоабдураҳимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев ер ости магистралининг қурилиши ва уни фойдаланишга топшириш ишларининг боришга тўғрисида ахборот бердилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г.





28 ИЮЛЬ куни Тошкент метросининг Собир Раҳимов ҳамда «Чилонзор» станциялари одамлар билан гавжум бўлди. Шу куни икки станция оралиғидаги перегондан синов пассажир поезди дастлабки «йўловчиларни» манзилларига элтди. Суратларда: (чапдан) метронинг дастлабки пассажирлари ҳамда станциянинг умумий кўриниши. Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бу ён.

Калинин	0,9	93,8
Пискент	0,1	88,7
Оҳангарон	0,4	87,0
Бекобод	0,3	84,9
Қуйи Чирчиқ	0,1	84,8
Орджоникидзе	2,9	84,7
Бўка	—	83,3
Оққўрғон	0,1	83,0
Чиноз	1,0	81,7
Ўрта Чирчиқ	—	80,9
Тошкент	0,1	80,5
Юқори Чирчиқ	0,4	77,3
Янгийўл	0,6	71,7
Бўстонлиқ	0,3	68,9
Область бўйича:	0,5	83,9

КУН ТАРТИБИДА

—ФУТБОЛ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретариати «Республикада футболнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари» ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Республикада футболнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш масаласини атрофлича муҳокама қилиниши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада физкультура ва спортни тобора ривожлантириш учун олиб бораётган катта ишларининг яна бир ёрқин далилидир.

Ҳозирда республикада футбол билан 300 мингдан зиёд киши шуғулланмоқда. Улар ихтиёрида 120 стадион, 4 мингга яқин футбол майдонлари бор. 3 та ихтисослаштирилган ва 11 та болалар ўсмирлар спорт мактабларида 78 футбол бўлимлари ишлаб турипти. Буларнинг ҳаммаси сўзсиз республикада футболни янада оммавийлаштириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Бироқ, бугунги кунда футболчиларимизнинг бутунittифоқ миқёсида эришаётган ютуқлари талаб даражасида эмас. Биринчи галда оммавий ва болалар-ўсмирлар футболи ҳақида жиддий қайғуриш керак.

Йиғилишда маориф министрлиги, олий ва ўрта-махсус таълим министрлиги, бир қатор йирик саноат корхоналари, «Буревестник», «Меҳнат резервлари», «Динамо», Армия спорт клуби ва бошқа спорт ташкилотлари футболни янада оммавийлаштиришга етарли эътибор бермаётганлиги танқид қилинди. Иккинчи лига мастерлар командаларининг ўқув машғулотлари ва коллективлардаги таълим-тарбия ишлари савиясини янада кўтариш лозим. Мамлакат чемпионати мусобақалари ўтказилаётган бир қатор стадионлар етарли жиҳозланмаган, мастерлар командалари тренерларида қўнимсизлик ҳоллари такрорланиб турипти.

Малакали ўринбосарлар тайёрлаш аҳволи ҳам кишини ачинтиради. Ҳатто, республикамизнинг энг етакчи «Пахтакор» футбол командаси ҳам ёш ўринбосарларга жуда мушток. Ана шу резервларни етказиб берадиган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ишида эса катта камчиликлар мавжуд.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада футболни янада оммавийлаштириш ва ривожлантириш юзасидан қатор тадбирлар белгилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 29 июль куни Польша халқ республикасининг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Ташқи ишлар министри Эмиль Войташекни қабул қилди.

Қардошларча дўстлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида Польша министри Ўзбекистон партия ташкилотининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти билан, республика меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари билан таништирилди. Суҳбат давомида барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари учун ҳам ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумида қилган доклади қоидалари ва хулосалари, СССР янги Конституцияси лойиҳаси илҳомбахш манба бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ш. Р. Рашидов айтдики, пролетар интернационализми ленинча ғояларига содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам беришни, СССР билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшишни ўз бурчи деб билмоқдалар. Улар меҳнатсевар поляк халқига самимий меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор қиладилар, поляк халқининг социалистик қурилишда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувини тилайдилар. Ўзбекистон пахтасининг ПХРга ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тўқимачилик корхоналарига тобора кўп етказиб берилаётганлиги Ўзбекистон халқларини шу мамлакатларнинг халқлари билан боғловчи қардошларча дўстликнинг ёрқин ифодаларидан биридир.

Э. Войташек Польша Бирлашган ишчи партияси раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият қуришдан иборат улуғвор программани муваффақиятли амалга ошираётган ПХР меҳнаткашлари ҳаёти тўғрисида сўзлаб берди. Министр Ўзбекистон меҳнаткашларини яқинлашиб қолган байрам — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги билан табриклади (Поляк халқи, бутун тараққийпарвар инсоният бу байрамни кенг нишонлайди), республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг КПСС XXV съезди тарихий режаларини бажаришда, халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати йўлида янги буюк ғалабаларга эришувларини тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Ў. А. Рустамов, СССР Ташқи ишлар министрлиги IV Европа бўлими мудирининг ўринбосари Б. И. Поклад қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ЛЕКЦИЯЛАР, СУҲБАТЛАР, КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

В. П. ЧКАЛОВ номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг юзлаб пропагандистлари, сиёсий ахборотчилари ва агитаторлари шу кунларда корхона меҳнатчиларига КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қоидалар ва хулосаларни, СССР янги Конституциясининг лойиҳасини тушунтирмоқдалар. Халқ сиёсий мактабларида машғулот ўтказиш ана шу ғоят муҳим ҳужжатларини ўрганишнинг асосий формасидир. Бирлашма цехларида икки юзта ана шундай мактаб ишлаб турибди. Бундан ташқари самолётсозларнинг истиқомат жойларида, уй бекалари, пенсионерлар учун 12 та халқ сиёсий мактаби ташкил қилинди.

Бирлашма партия комитети СССР Конституциясининг лойиҳасини пропаганда қилишда пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга катта ёрдам бермоқда. Улар учун махсус ахборот варақада нашр этилди. Бу варақада асосий қонуннинг қоидалари завод коллективи ҳаётидан олинган мисоллар билан акс эттирилган. Варақада бирлашма коллективи шу йил ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳам кўрсатиб берилган.

Бирлашма партия комитети ҳузурида сиёсий маориф кабинети ишлаб турибди. Кабинет ходимлари завод «очзаки журнал»нинг СССР Конституциясига бағишланган материаллари тематикасини ишлаб чиқдилар. Журналнинг биринчи «саҳифаси» совет кишиларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Ишлаб чиқариш ветеранлари, энг яхши мураббийлар тингловчилар ҳузурида доклад қиладилар, улар билан суҳбатлар ўтказадилар. Конституция лойиҳаси юзасидан ўтказиладиган назарий конференцияларнинг тематикаси белгиланди.

(ЎзТАГ).



ЯНГИЙЎЛ ремонт-механика заводининг ишчи-хизматчилари шу кунларда қишлоқ хўжалиги машиналари учун кўплаб эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бериш ҳамда бир қатор механизмларни йиғим-терим кампаниясига шай қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) токарь Тожибой Шокиров ҳамда цех мастери Павел Анфалов тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЧИЛОНЗОР районида ҳозир 300 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиляпти. Бунёд этилаётган турар-жойларда кун сайин неча ўнлаб оилалар уй тўйлари ўтказишмоқда. Келажакда микрорайонлар бағри яна ҳам кенгаяди, аҳоли сони ошади. Район партия комитети шуни назарда тутиб, турар-жойларда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни тобора такомиллаштиришга, идеология ишлари самарадорлиги ва сифатини бутун чоралар билан оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу соҳада кўрилаётган тадбирлар, бажарилаётган ишлар ҳақида Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. СОДИҚОВ мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари ва СССР янги Конституцияси лойиҳаси омма ўртасида олиб борилаётган сиёсий агитация ишларини янада жонлаштиришда қудратли омил бўлди. Ҳозир барча жойларда янги Конституция лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган қисқа давр ичида аҳоли турар-жойларида 900 га яқин митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда 27 минг киши иштирок этди. Сўзга чиққан нотиқлар янги Конституция лойиҳасини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидан келиб чиқадиган қоида ва хулосаларни бир овоздан маъқуллаб гапирдилар.

Районимизда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларга идеология кадрлари бошқош бўлмоқдалар. 38 сиёсий докладчи, 1422 сиёсий ахборотчи ва 4 мингдан ортиқ агитаторларимиз маҳаллаларда, микрорайонларда, цех ва участкаларда бўлиб Конституция лойиҳасини оммага кенг тушунтирмоқдалар.

Улар ҳар бир сиёсий воқеани ўз вақтида шарҳлаб беришга одатланганлар. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда оғзаки — сиёсий агитация ролини, ошириш тўғрисидаги» қарори асосида район партия комитети идеология кадрлар ўртасида маълум тадбирларни ўтказди. Оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда эндиликда аҳоли табақалари ва меҳнаткашлар группаларининг қизиқишлари, истаклари алоҳида эътиборга олинмоқда, ғоявий-тарбиявий проблемаларни ҳал этишга комплекс ёндошилмоқда.

Сиёсий агитация аҳолига партиянинг ташқи ва ички ҳаётдаги сиёсатини кенг ва мунтазам тушунтириш асосида ташкил қилинмоқда. Бу соҳада биз мамлакатимиз ва республикамизнинг ярим асрлик юбилейи, буюк ғалабанинг 30 йиллигини ўтказиш даврида тўпланган ижобий тажрибаларга таянмоқдамиз.

Бошқа районларда бўлгани сингари Чилонзорда ҳам лекция ва суҳбатларнинг 11—14 аъзоси бор. Улар маълум тайёргарликка эга бўлганларидан сўнг турар-жойларга бориб суҳбат ва лекциялар ўтказмоқдалар. Ҳар бир лекция охирида қисқа метражли фильмлар намойиш қилинмоқда, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилмоқда. Агитаторлар ташаббуси билан кварталлардаги уйлараро «Коммунистик турмуш учун шиор» остида мусобақалар ташкил қилинмоқда. Маҳаллаларда эса аҳолини қизиқтирган муҳим темалар бўйича кечалар ташкил қилинмоқда.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда янгича урф одатлар ва анъаналар муҳим ўзгаришлардан ўз вақтида ҳабардор қилиб борилади

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» почтасидан

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА

СССР янги Конституциясининг лойиҳасида СССР гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари тўла белгилаб берилган. Чунончи янги Конституция лойиҳасидаги «Совет кишиларининг эркин меҳнати ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқларнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир», деган сатрлари фикримизнинг далилидир.

ЯНГИ қонун лойиҳасида кўрсатилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланиб келмоқдамиз. Бизда дам олиш, меҳнат қилиш, ўқиш-ўрганиш, малака ошириш учун барча шарт-шароитлар етарли. Буни бизнинг ферма коллективида, шахсий ҳаётим мисолида ҳам яққол кўриб, ҳис қилиб турибман.

Мана, тўрт йилдирки, колхоз сут-товар фермасида сут согувчи бўлиб ишлайман. Бу йил ферма раҳбарлари менга ўн тўрт бош соғин сигирни бириктириб беришган. Мен ана шу соғин сигирларнинг ҳар биридан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги юбилейи нишонланаётган йилда 3600 килограммдан сермаҳсул сут соғиб олиш мажбуриятини олиб ишламоқдаман. Бу юксак мажбурият ишга нисбатан масъулиятни янада оширди. Ярим йилликда ҳар бир сигирдан 1800 килограммдан сут соғиб олиш планлаштирилган эди. Мен мажбурият асосида ишлаб, олти ойда ҳар бир сигирдан 2143 килограммдан сут соғиб олишга эришдим.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми ҳамда СССР янги Конституцияси лойиҳасидан илҳомланган коллективимиз чорвадорлари ўтган ярим йилда давлатга пландаги 172 тонна ўрнига 184 тонна сут, пландаги 17 тонна ўрнига 21,3 тонна гўшт, 30 минг дона ўрнига 47,1 минг дона тухум топширдилар. 107 бош ўрнига 110 бош бузоқ олишга эришдик.

Коллективимиз эришган бу ютуқларда озуқа ташувчи Эшбой Бозоров, молбоқарлардан Тошбой Абдиев, Сайдулла Хўжамқулов, Қўчқор Тожибоев, бузоқбоқар Т. Сайдаметовларнинг хизмати катта бўлди.

Сут-товар фермамиз ходимлари ўз зиммаларига ошириларган социалистик мажбуриятлар олишиб, меҳнат қилишмоқда. Ана шу мажбуриятга мувофиқ юбилей йилида давлатга 359 тонна сут, 40 тонна гўшт, 50 минг дона тухум топширишимиз керак. Айни кунларда чорвадорларимиз бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Район Совети депутати Муборак Солибоева, Оля Яшина, Ортиғой Жиянова, Разила Бикмаевадек ҳамкасб сут согувчилар бир-биримиз билан ўзаро мусобақалашиб ишламоқдамиз. Турли миллат вакилларидан ташкил топган коллективимиз меҳнаткашлари бир мақсад — эл дастурхонига мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун ёнма-ён туриб меҳнат қилишаяпти.

Чорвадорларимизнинг бугунги ғайрати юбилей йили социалистик мажбуриятини шараф билан уддаланишидан далолат бермоқда.

Ирсой ТОЖИБОЕВА,
Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз соғувчиси.

МАШИНАДА СУҒОРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

«СЕВЕРНИЙ МАЯК» колхозида қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликдаги барча оғир меҳнат жараёнлари техника зиммасига юклатилган. Айниқса, пахтачиликда механизация деҳқонга мададкор бўлмоқда. Ўтган йили 94 процент пахта ҳосили машиналарда териб олинди.

Хўжаликда машинада суғориш усулини такомиллаштириш борасида диққатга сазовор ишлар олиб борилаяпти.

Бундан уч йил муқаддам ёмғирлатиб суғорувчи «Волжанка» агрегатини синаб кўрилди. Машинада суғориш усули сувдан тежамли фойдаланиб, харажатлардан тежаш мумкинлигини кўрсатди. Ўтган йили эса 450 гектар майдондаги ғўза машинада суғорилди. Бу майдонларда ҳосилдорлик 2—3 центнер ошди.

Машинада суғоришни такомиллаштиришда СоюзНИХИ олимлари билан ҳамкорлик яхши натижалар беряпти. СоюзНИХИ лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Ф. Сатторов пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатяпти.

Хўжалик бош агрономи И. Ким ёмғирлатиб суғорувчи «Волжанка» агрегатини синаб кўриш бошлангандан бери бу ишга бошчилик қилмоқда. У шу вақт ичида машинада суғоришни янада такомиллаштириш борасида анча тажриба орттирди.

— Ёмғирлатиб суғорувчи «Волжанка» машинаси билан бир кунда 5—6 гектар ерни суғориш мумкин. Агар шунча ер сув тараб суғорилганда 6—8 киши банд бўларди. Ёмғирлатиб суғорувчи машинани назорат қилиб туриш учун атиги 2 оператор талаб қилинади, холос. Машинада суғоришнинг яна бир афзаллиги шундаки, ўқариқлар 4—5 процент камайтирилади.

Ёмғирлатиб суғорувчи машина ҳар бир карта ва унинг ҳар бир бурчагига керакличa сув қўйиш имконини беради. Бу ҳақда колхоз агро-лабораторияси мудири Давид Юн бундай дейди:

— «Волжанка» билан бир вақтнинг ўзида энн 800—1000 метр ва узунлиги 180 метр ердаги ғўзалар суғорилади. Машина ҳар 4—5 соатда янги жойга кўчириб турилади. Намлик кўп ерда машина оз вақт, намлик кам ерда эса кўпроқ ушлаб турилади.

Хўжаликда шу кунларда 8 та «Волжанка» машинаси билан ғўзаларга сув қўйилаяпти. Геннадий Харапутов, Баҳтиёр Деҳқонбоев, Сергей Абрамов, Нурақбой Эрмекбоев каби операторлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошишиб, ғўзаларни обн-ҳаётга қондирмоқдалар.

Ғўза машинада суғорилганда қатқалоқ бўлиш ҳоллаларига чек қўйилади. Культивацияни сифатли ўтказиш ва ғўзанинг нормал ривожини таъминлашга имкон туғилади. Бу иш колхознинг Константин Ким, Тоғаймурод Қодиров, Николай Югай, Михаил Хван ва Пантелеймон Ким ўртоқлар бошлиқ бригадаларда намунали ташкил этилган. Янги усулнинг келажаги порлоқ: янгилик 1980 йилга бориб барча майдонларда кенг қўлланилади. Канон суғоришда эса «Днепр» машинасидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ,
қишлоқ мухбири.



Ойсулув РАИМҚУЛОВА Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозда ўн йилдан бери бузоқбоқар бўлиб ишлаб келаётир. Моҳир чорвадор боқимандаги ёш моллар доим соғлом ва дуркун ўсади. Айни кунларда у 50 бош бузоқни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилаётир.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ПОРТЛАТУВЧИЛАР

РАЗРЕЗнинг атрофида ҳафтанинг маълум кунида портлаш овозлари эшитилиб туради. Бироқ, унинг шовқини бу ерда ҳечкимни чўчитмайди. Ҳолбуки, инженерлик корпусида жовонлар, дераза ойналари ҳосил бўлган зилзила зарбидан ҳаракатга келади. Шовқиндан фақат қушларгина чўчиб, тўда-тўда бўлиб кўкка кўтарилади.

— Портлатиш ишлари кўмир қазиб чиқаришнинг асосий жараёнларидан бири,— дейди бош технолог В. Скрильников.— Бусиз экскаваторларнинг меҳнат унумдорлиги икки-уч баравар камайиб кетган бўлур эди.

Кўмир қазиб чиқариш эса асосан экскаваторлар билан амалга оширилади. Кўмир ҳавзасини очиш ва очилган кўмирни машина ҳамда вагонларга ортишда чўмичи тўрт кубометрдан ўн кубометргача бўлган ўнлаб экскаваторлар хизмат қилмоқда. Маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида «хирмонга» 4 миллион 700 минг тонна қора олтин уйилади. Янги Ангрен ГРЭСининг ишга туширишдаги билан эса Ўзбекистон кочегаркасининг йиллик қуввати 10—15 миллион тоннага етади.

— Мен ўз тажрибамда кўришимча, портлатувчиларсиз кўмир қазиб олиш жуда қийин,— дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, экскаватор машинисти Хўжа Алиқулов. Бошқаларнинг фикри ҳам шундай.

Разрезда ўз касбининг усталари бўлган бурғиловчи — портлатувчилар анчагина. Бурғилаш станоги машинистлари А. Абдусаломов ва А. Макаев ўртоқларни ана шундай моҳирлар дейиш мумкин.

Бурғиловчилар иродали, қатъий характерли кишилардир. Шу билан бирга улар маҳрур одамлар. Бундан бирнеча йил олдин «Урал-64» бурғилаш станогининг пневматик зарба берувчи қисмининг умри жуда қисқа эканлигини писанда қилиб қолишди. Рационализаторлар В. Варясов ва С. Степанов мана шу муаммони ҳал қилишга киришдилар. Тез орада улар таклиф қилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган янгилик натижасида ўша қисмнинг хизмат муддати анчага узайди. Таклиф йилига 550 сўм фойда келтира бошлади.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ангрен» разрезининг кончилари бу йил планга қўшимча равишда 90 минг тонна кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини олишган,— дейди бурғилаш станоги машинисти А. Ўринбоев.— Бу бизнинг Ватанга муносиб совғамиздир.

Б. АКСАНИЧ,
А. КОСТИЧЕВ.

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

СССР янги Конституцияси лойиҳасини ўқир экансан, бешинчи мамлакатимизда турли соҳаларда эришилган ютуқларни чуқур ҳис қилдим. Янги Қонунимизда меҳнаткашларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат турларининг ривожланганлиги ва янада ривожланиш истиқболлари ҳам кўрсатиб берилган.

Муваффақиятлар ҳақида гапирганда совет савдоси хусусида ҳам тўхталиб ўтамиз. Дарҳақиқат ўтган вақтлар ичида магазин ва савдо шохобчаларининг умумий ҳажми бир неча ўн марта ортди. Савдо корхоналарининг қиёфаси ўзгариб, уларда илғор методлар кун сайин кўпроқ жорий қилина бошлади. Йирик универсал ва озиқ-овқат магазинлари ишга туширилаётганлиги, давлат ва кооператив савдосининг қўнгилдагидек ташкил этилаётганлиги шаҳар ва қишлоқ аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Савдо системасида эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кўплаб кишилар меҳнат қилишяпти.

Менимча шу ўринда дамлатимиз қомуси — Конституциямизнинг 24-моддасидаги «...соғлиқни сақлаш, социал таъминот, маиший хизмат кўрсатиш...» сўзларидан кейин **совет савдоси** деган сўзни ҳам қўшиб қўйиш лозим. Бу меҳнаткашлар баҳраманд бўлаётган хизматнинг муҳим тури — совет савдосидаги эришилган ютуқлар ва унинг келажакдаги тараққиётини акс эттириб туради.

Х. САИДВАЛИЕВ,
Чилонзор райпишчеторги партия комитетининг секретари.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ДОРИЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

ДАВОЛАШ ёки касалликнинг олдини олиш мақсадида тери остига бирор ёт оқсил ёки зардоб қайта юборилса, киши бир зумда оғирланиб, ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Мана шу турдаги жараён «анафилаксия» деб аталади. Худди шунингдек, бир хил дори устма-уст ичилаверса, киши аста-секин ёки тўсатдан заҳарланади. Бундан ташқари баданга қизилчалар тошиб кетади. Бу ҳолат, баданнинг «бўлдим», «тўйдим» дегани!

Аспирин ичаверган киши ошқозон ярасига, бром ва нод препаратларини истеъмол этаверган беморлар эса қизилчасимон дардга мубтало бўладилар. Кўз ёшланиб, киприк остиларининг қизариброқ туриши, бурунинг нам босиши бирор нарсанинг (кўпинча ичилган дорининг) баданга ёқмаганлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам шифокорлар беморга бирор доридармон буюрсалар, сўрабсуриштириб, роса текшириб, қайси дори қайси кишига қандай таъсир қилишини олдиндан билиб олишади. Зероки, шундай экан, ўзбошимчалик билан дори-дармон ичиб бўлмайди.

Кези келганда, дори-дармонлар истеъмол этиш билан боғлиқ тушунмовчилик ва нохушликлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш керак. Маълум бўлсинки, пенициллин, биомицин, левомицинлар бир вақтда ичилмайди. Бу дорилар бир-бирининг таъсирни кесади. Шу билан бирга, бу антибиотик дорилар устидан С, Р, К, В1 каби витаминларни ичиш заарлидир. Бу икки хил дорилар таъсиридан қон қуйилиб қолиши мумкин. Сульфадимизин, норсульфазол, фталазоллар антистезин, диканн, новокаин билан учрашиб қолишса ҳам қуввати кесилади, таъсири бўлмайди.

Кўп беморлар валериан томчини яхши биладилар. Аммо, у юрак дориларининг қувватини, таҳминан икки марта камайтиришини ҳам эсда тутишлари керак.

Дориларни чойдан кўра қайнаган совуқ сув билан ичган маъқул. Чойдаги буруштирувчи модда (танин) эфидрин, сальсалин каби алкалоидлар билан қўшилиб, эримайдиган куйқа ҳосил қилади.

Дори-дармонлар турига қараб, айрим-айрим сақланади. Улар каерда сақланмасин, ёш болалар қўлига тушмасин. Чунки, уларнинг ҳар нарсани оғизга солиб, еб кўрадиган ёмон одатлари бор.

М. МАЛИКОВ,
фармаколог.

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

СОВЕТ кишиларининг аҳлоқий-сиёсий ҳислатлари турмушимиздаги бутун социалистик тартиб, жамиятимиздаги барча ишларнинг бориши таъсирида, аввало, партиянинг, жамоат ташкилотларининг муайян мақсадга қаратилган доимий ғоявий-тарбиявий иши таъсирида шаклланади. Бу борада идеология ишининг таркибий ажралмас қисми бўлган илмий-атеистик тарбия процагандасини ҳар томонлама кучайтириш талаб этилади.

Илмий-атеистик тарбияни яхшилаш, шу билан бирга янги анъаналарни кенг тарғиб қилишга қаратилган бир қатор тадбирлар совхозимиз ишчилари ўртасида ҳам амалга ошириб келинмоқда. Кишиларимизда илмий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг онгидаги ўтмиш сарқитларини ва диний қарашларни тугатиш каби масалалар ишнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Партия ташкилотимиз илмий-атеистик пропаганда ишига ваҳбарлик қилишни йил сайин яхшилаб, такомиллаштириб бормоқда. Бу, ғоят муҳим, ғоят масъулиятли ишга ишлаб чиқаришнинг авангардлари бўлмиш коммунистларнинг барчаси сафарбар этилган. 15 агитатор, 16 нафар сиёсий ахборотчи, 51 сиёсий ташкилотчи ҳамда «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг 16 нафар аъзоси ўз ишини илмий-атеистик тарбияга бағлаб олиб бормоқда.

Партия комитети ҳузурида тузилган атеист-сиёсий ахборотчилар группаси мунтазам иш олиб бормоқда. Унинг аъзолари олий маълумотга эга бўлган, жамоат ишларида бой тажриба орттирган коммунистлардан иборат. Улар аҳоли билан мунтазам алоқада бўлиб, асримизнинг энг муҳим кашфиётлари, фазогирларнинг қўшни планеталарга қадам ташлаётганликлари, мўл-кўлчилик бунёдкорларимизнинг муваффақиятлари, хуллас, жамики ютуқ-зафарларимизга ҳалол меҳнат қилиш, қунт билан илм эгаллаш туфайлигина эришилаётганлигини конкрет далиллар асосида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ж. Норматов, Ш. Насриддинов, И. Азметов, Ж. Кенжаевлар шулар жумласидандирлар.

Партия комитети 7 та цех партия ташкилоти ва 7 та партия группаси, «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти ҳамда атеист-сиёсий ахборотчилар группасининг илмий-атеизмни пропаганда қилиш соҳасидаги ишларини тинглаб, бу борада тўпланган тажрибаларни умумлаштирмоқда. Шу соҳа бўйича оғзаки агитация ишларини кучайтириш чораларини кўрмоқда. Сиёсий докладчилар, лекторларга йўл-йўриқ кўрсатиб, топшириган ишнинг бажарилишини назорат қилиб бормоқда. Шу боисдан ҳам илмий-атеизм темасига оид лекциялар кўплаб ўқилмоқда, саволжавоб кечалари тез-тез уюштириб турилибди. Ўтган йил мобайнида лекторлар ва сиёсий докладчиларимиз томонидан «Фан ва дин», «Диний маросимларнинг зарари», «Янги урф-одатлар, маросимларни пропаганда қилиш ва уларни меҳнаткашлар турмушига сингдириш — идеология ишининг муҳим соҳаси» деган темаларда 100 га яқин лекция ўқидилар.

Илмий-атеизм пропагандаси бўйича олиб борилаётган ишларимиздаги ютуқлар ва камчиликлар хўжаликда чиқадиган «Боғбон» деворий газетасида ўз аксини топмоқда.

Қишлоқ кутубхонасидаги атеистлар бурчагидан стук олимларнинг энг қизиқарли мақолалари, «Фан ва турмуш», «Наука и религия» каби журналлар ўрин олган. Бу ерда яна атеистлар учун турли хилдаги қўлланмалар, брошюралар ҳам қўйилган. Далалардаги шийпонлар эса ислом динининг реакцион моҳиятини очиб берувчи плакатлар, ҳажвий расмлар билан безатилган.

Совхоз партия ташкилоти бундан кейин ҳам атеистик пропагандининг янги самарали форма ва методларини топиш ҳамда уни кенг кўламда ёйишга алоҳида эътибор бераверади.

Ф. ИҲЛДОШЕВ,
Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози партия ташкилотининг секретари.

НАФСИ ЁМОН

(МАСАЛ)

Бир ҳўкиз подадан ажралиб қолди,
Кечки пайт бедазор томон йўл олди.
Кўрди-ю беданинг кўм-кўк майсасин,
Овлоқда бир ўзи чиқазмай сасин
Ва ердан бошини кўтармай сира,
Тўйгунча ошади...
Қорни дўмбира!
Бироқ,
Узи тўйса ҳамки, кўзи тўймади,
Пкшиллаб ўтлашин у ҳеч қўймади.
Етган жойида ҳам еди-ямлади.
Сўнг бирдан бўкирди, қорни дамлади,
Урнидан туролмай қийналди жони,
Оғилга қайтишнинг битди имконн.
Теварак-атрофга чўкди қуюқ тун,
Ҳўкизнинг бошига келди қора кун...
Эрталаб подачи кўрсаки тамом!
Қорни тарс ёрилиб ўлибди харом.
Билиб қўйган яхши буни инсонлар:
Тўйда ўлар экан нафси ёмонлар.

Арслон УМАРОВ,
Бўка.

● **МЕҲНАТ Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимиздаги йирик олий ўқув юртларидан биридир. Бу ерда ўндан ортиқ ихтисосдлик бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Бўлажак инженерларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари ва амалий кўникма ҳосил қилишлари учун қулай шароитлар яратилган.**

Ўтган йили институт ўз машғулотларини янги ўқув корпусида бошлади. Суратда: марказий ўқув корпусининг ташқи кўриниши.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.



ЧИНОР УМРИНИ ҚАРШИ ОЛИБ

ТОШКЕНТ районидаги Собир Раҳимов номли колхознинг «Халимқўл» қишлоғида истиқомат қилувчи Ниса ая Раҳимжонова бир асрлик умрга қадам қўймоқда. Табаррук онахон ҳали ўзини тетик ва бардам сезади.

— Узоқ умр кўришнинг боиси меҳнатдан деб биламан,— дейди Ниса ая.

Дарҳақиқат, Ниса ая узоқ йил колхоз аъзоси бўлиб ишлаб келган. У ҳозир кексалик гаштини сураётган онахонлардан. Ниса ая ҳозирда 50 нафардан ортиқ невара, чевара ва эвараларнинг эъзозида. Онахоннинг катта қизи Хайри хола Мираҳмедова 61 баҳорни қаршилаяпти. У колхозда илғор пиллакор. Унинг ҳам 23 нафар неваралари бор.

Т. ЖЎРАЕВ,
К. Маркс қишлоқ Советининг ходими.

«СОҚОВ» ТЕЛЕФОНЛАР

Инсон саломатлиги йўлида беморларга намунали медицина хизмати кўрсатаётган шифокорларимиздан шаҳримиз меҳнаткашлари доимо ҳурсанд. Аммо қаровчиси бўлмаган беморларга, энг зарур бўлган амбулаторияларидаги телефонлар кўнгилдагидек ишламаётганлиги уларни жуда ҳам ранжитмоқда. Мана, соқов ёки бутунлай ишламайдиган телефон Собир Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳаллаларидаги 10-Амбулаторияда савлат тўкиб турибди.

Амбулатория бош врачи Аҳмаджон Юсупов мана икки йилдирки Собир Раҳимов район телефон станциясига қатнайвериб чарчади. Бош врачнинг ва аҳолининг талабига кўра келган АТС ходимлари амбулаториядаги телефонларни қўлдан кетгунча, эгасига етгунча кабиллда тузатиб кетишади. Биллмадик бу ҳол қачонгача давом этади.

44—63—70-номерли телефон нормал ишлаб турса эди «Чигатой» «1-Чимбой», «Шарқ ҳақиқати», «Коминтерн», «Правда» каби маҳаллалардан амбулаторияга келадиган ҳаста кишилар албатта Собир Раҳимов район телефон станциясининг коллективидан бехад ҳурсанд бўлардилар.

А. ТАРТАУЛОВ,
техник.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ҚУРИЛИШ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Максим Горький проспектида яна бир замонавий бино қад кўтармоқда. Бу ерда «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 38-қурилиш бошқармасининг Б. Хожиев бошлиқ коммунистик комплекс бригадаси биология-химия институтининг янги корпусини бунёд қилишти.

Айни кунларда бинокорлар арматура синчларини ўрнатиб бўлиб, пойдевор қўйишга киришдилар. Бригада аъзолари қурилишнинг прогрессив методларини қўллаб меҳнат қилишаётганликлари учун кундалик нормаларини анча знёдаси билан бажармоқдалар. Бинокорлар Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига муеобақани авж олдириб, 7 ноябргача ишни пудратчиларга топширишга аҳд қилишган. Б. Хожиев бригадаси байрамгача икки беш йиллик планини бажаришга қарор берган.

Чимкент кўчасида эса 56 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли бино қад кўтаряпти. «Средазгипроцелинстрой» институти ходимлари ишлаб чиққан лойиҳага кўра янги уй архитектура жиҳатидан жуда чиройли бўлади. Унинг деворларини декоратив панно безайди. Қўёшдан ҳимоя қилувчи махсус мосламалар ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлади. Октябрь 60 йиллиги арафасида бу ерда тошкентликлар уй тўйларини ўтказадилар.

М. ФЕЛЬДМАН.

СЕНТЯБРЬ ТАРАДДУДИ

Шу кунларда барча мактабларда янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Мактабларда ёз бўйи дам олиб қайтадиган ўқувчиларни яна қучоқ очиб кутиб олиш, ўғил-қизларга билимлар оламининг янги сирларини ўргатишларида барча шароитларни яратишда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Собир Раҳимов районидаги Хуршид номли 65-ўрта мактаб ҳозир сентябрга тахт қилиб қўйилди. Бу ердаги 12 синф хоналаридаги партлар, стол ва стуллар ремонтдан чиқарилди, турли кабинет ва лабораторнялар, методик хоналар тартибга келтирилди.

Мактабни ремонт қилишда шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг турли касбдаги усталари баракали меҳнат қилдилар. Райондаги бошқа мактаблар ҳам биринчи кўнгироққа яна шундай намунали тайёргарлик кўришмоқда.

Т. АБДУЛЛА

30 ТИЙИНГА «МОСКВИЧ»

КАЛИНИН район матлубот жамияти ходими Ўринбой Алимовнинг омади келди. У бир неча ой илгари Ўзбекистон пул-буюм лотереясидан 11 дона сотиб олган эди. Матбуотда ўйин тиражи эълон қилингач лотереяларни текшириб кўрган Ў. Алимов жуда хурсанд бўлиб кетди. Унинг 16001 номерли ва 144 серияли лотереясига «Москвич» автомашинаси чиққан эди.

Е. МОРДУХАЕВ.

31 июль—СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

Суратларда: (чапда) Денгизчи пиёдалар бронетранспор тёрларда соҳил томон йўл олишмоқда. (Ўнгда) кемага янги газета келди.

ТАСС фотохроникаси.





СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ФЛОТИ

Вице-адмирал В. И. ЧЕРНАВИН, ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ШИМОЛИЙ ФЛОТ ҚУМОНДОНИ

Бу йил Ҳарбий-Денгиз Флоти куни совет халқи ва унинг жангчилари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш борасида илҳомбахш меҳнат қилаётган бир вазиятда нишонланмоқда. Ҳарбий денгизчилар КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини барча совет кишилари билан бирга қизғин маъқуллаб қабул килдилар. Улар СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида актив қатнашмоқдалар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мамлакатимиз—буюк денгизлар давлатидир. Денгиз чегараларини пухта ҳимоя қилмоқ учун Қуролли Кучларининг бошқа турлари билан бирга Ватанимиз хавфсизлигини таъминлай олишга қодир кучли Ҳарбий-Денгиз Флоти зарур албатта. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги, совет халқининг фидокорона меҳнати туфайли мутлақо янги океан флоти вужудга келтирилди.

Ҳозирги вақтда турли ракеталар ва ўзи нишонга оладиган тор педаллар билан қуролланган, такомиллаштирилган навигация, бошқариш ва алоқа воситалари билан жиҳозланган атом сув ости кемалари флотнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга қодир асосий воситадир. Флотимизда ракета кемалари, сув ости кемаларига қарши курашадиган кемалар, минага қарши десантчилар ва бошқа сув усти кемалари бор. Флот соҳил бўйи денгизи ва берк денгизлардан жаҳон океанига чиқди. Денгиз ракета авиацияси ва сув ости кемасига қарши курашадиган авиация флот жанговар қудратини ошириш, флот ҳаракатчанлигини кучайтириш учун янги-янги имкониятлар очиб берди. Улуғ Ватан урушн йилларида шуҳрат қозонган денгиз пиёдаларн ҳам сифат жиҳатидан янгиланди.

Ҳарбий денгизчилар кемасозларимиз, мудофаа саноати ходимлари, флот моддий-техника базасини яратувчи барча совет кишиларининг фидокорона меҳнатига ҳурмат ва миннатдорчилик билан қарамоқдалар. Советлар мамлакатининг Ватанимиз хавфсизлигини ҳимоя қиладиган океан ракета-ядро флоти ҳеч қандай агрессив мақсадларни кўзда тутмай ўзининг асосий вазифасини муқаддас билиб бажармоқда: У Советлар мамлакати, бутун социалистик ҳамдўстлик хавфсизлиги посбонлигида, бутун дунёда тинчлик посбонлигида ҳушёр турибди.

Совет ҳарбий денгизчилари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини чуқур англаганликлари ҳолда партия билан халқ ишончини тўла оқлашга интилмоқдалар. Улар Октябрь ғалабаларини исталган дақиқада ҳимоя қилишга тайёр турибдилар.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитетининг МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДАГИ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ 155-ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Узоқ манзилларга борувчи пассажир поездлари вагонларининг проводниклари.

ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЙИЛ. 17 ярим ёшда бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади, ётоқхонадан жой берилмайди.

Машинист ёрдамчиси, тепловознинг механик қисмлар ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи, тепловознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат уснуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш уснуналари ремонти бўйича слесарь, дурадгор.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

15 ва ундан катта ёшдаги 8 синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг учдан бир қисмини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини муваффақиятли битирганларга мамлакатнинг олий ўқув юртлари ёки махсус ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берадиган диплом берилади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчилари фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шунингдек Совет Иттифоқининг исталган манзилига темир йўлда бепул бориш имкониятидан фойдаланадилар.

Билим юртига киришни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан справкалар, характеристика ва 8 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Уч кун давомида Москвада енгил атлетика бўйича мамлакатнинг 49-шахсий командасн чемпионати бўлиб ўтди. Бунда барча иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинграднинг енгил атлетиканинг 38 турн бўйича куч синашдилар. Мусобақалар олимпиада услуби даражасида ўтказилди. Голиблар Европа ва жаҳон кубоги мусобақаларида терма командамиз спорт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

200 метрга финал югуришда ленинградлик М. Сидорова ғолиб келди. Чиришда катта спортга йўлланма олган, ҳозирда Москва шаҳар биринчи командаси шарафини ҳимоя қилаётган Л. Сторожкова учинчи бўлди. Шу масофага эркаклар ўртасида югуришда Валерий Борзов мамлакат чемпиони бўлди.

400 метрга тўсиқлар ошa югуришда тошкентлик Светлана Шаталина 59,90 секунд натижа билан ярим финалга чиқди. Ярим финалда 1.00,24 натижа кўрсатган бўлсада, кучли тўртлик қаторида финалга чиқди. Программанинг бу турида халқаро турнир ниҳоясига РСФСР вакили Т. Сторожева ғолиб келди. С. Шаталина 58,84 секунд натижа билан шахсий ҳисобда бешинчи бўлди.

Қолган вакилларимиз Г. Иванов, В. Птушкин, Ю. Усиков, П. Воробьевлар яхши қатнаша олишмади.

ТУРТТАДАН БИРИ

Волейбод бўйича СССР кубоги учун мамлакатимизнинг 4 шаҳри — Николаев, Фрунзе, Краснодар ҳамда Винница шаҳарларида зонал мусобақалар бўлиб ўтди. Фрунзеда республикамиз спорт шарафини «Автомобилист» командаси ўрнига муносиб ўринбосарларимиз бўлган ёшлардан ташкил топган «Спартак» командаси ҳимоя қилди. Волейболчиларимиз тўртинчи ўринни эгаллашди. Краснодарда беллашган Ўзбекистон Давлат физкультура институти командаси эса бешинчи бўлди. Винницада куч синашган Тошкентнинг «Спартак» волейболчилари (эркаклар командаси) сўнгги олтинчи ўринда қолишди. Фақат биргина вакилимиз, динамочилар Николаев шаҳрида ўтказилган турнирда олти ўйинининг ҳаммасида ғолиб келиб, биринчи ўринни олишди ва август ойида бўладиган ярим финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

САЁҚ ЮРСАНГ...

Саёқ юрсанг таёқ ейсан. Бу нақл қадимдан қолган. Уни деярли ҳаммамиз биламиз, ота-оналардан, устозлардан эшитганмиз. Лекин эшитиш бошқа-ю, амал қилиш бошқа экан. Албатта, айрим кишилар учун...

Шуниси ачинарлики, бу саёқларнинг айримлари ҳали она сути оғзидан кетмаган, Жумладан, Комил Орифжонов 1961 йилда туғилган, Тошкентдаги 8-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Бир доно деган экан: «Сен менга ошнангнинг кимлигини айтгин, сенинг кимлигингни айтиб бераман». Комилнинг ошнаси Комилжон. Биринчисининг фамилияси Орифжонов, иккинчисиники Содиқов. Комилжон 1958 йилда туғилган, қамоқхона тузини тотиб келишга улгурган. У илгари икки йилга озодликдан маҳрум этилган эди, лекин ёшлиги ҳисобга олиниб муддатидан илгари озодликка чиқарилди. Ўша, қамоқхона билан хайрлашаётганида у ерда орттирган оғайнилари «удум» қилиб бутун коннинг бир чеккасидан тиштлатиб юборишган эканми, орадан кўп ўтмай «қадрдон» жойини кўмсаб қолди ва... ниятига етди.

Ўзи-ку, майли-я ўрганган жойи, уёққа норасида адашини ҳам етаклаб кетгани чатоқ бўлди. Қозонга яқин юрсанг қораси юқади дейишади. Комил Комилжоннинг «қора»лигини билатуриб, унга суйкалди, оқибатда мўйлаби сабза урмаган бу йигитча ҳам ўз башарасини қорага бўяб олди.

Ўтган йилнинг охири, 21 декабрь куни эди. Комилжон Содиқов, Комил Орифжонов, Шавкат Умаров ва Галина Допридис кафега кириб тоза «отамлашишди». У ердан чиққач Содиқов ўзини «формага кирмагандек» ҳис қилди. Унинг ичига кирган озгина «обизамзам» нафсини қондириш ўрнига қитиқлай бошлади. Бунга ғаши келиб, адашига имлади. Комил унинг имлашлари маъносини дарров тушунар эди. Тротуардан келишаётиб, лип этиб магазинга кириб кетди. Зум ўтмай қўйни-қўнжини тўлатган қорбободек магазиндан «семириб» чиқди.

Кейинги қисми 4-бетда.

СУД ЗАЛИДАН

Сал нарида, дарахт остида бир қиз билан гаплашиб турган йигитча унинг ғашини келтирди. Улар қиз билан йигитга яқинроқ боришди.

— Ҳў оқаси, бизга битта стакан топиб бергин,— деди Орифжонов томдан тараша тушгандек. Вақоланки, «ука» — шу техникум студенти Ўрол Исмоилов ундан олти ёш катта, эс-хушини таниган, оғир-босиқ йигит эди. Суҳбатлашиб турган қиз олдида бу бегона йигитнинг камситиши унга ҳақоратдек туйилиб, иззат-нафсига тегди. Шунда ҳам одоб сақлаб, тўғриликча деди:

— Менинг чўнтагимда стакан йўқ, ётоққа кириб ўзингиз олиб чиқаверинг.

— Сен опчиқиб берсанг ўласанми?— Орифжонов у ёқда қолиб Содиқов Ўролга ҳезланиб кела бошлади. Қўрқиб кетган қиз деворга суянганича дағ-дағ титрар эди.

Шу пайт Умаров орага тушиб уларни ажратди. Бироқ Содиқов иккинчи марта ташланиб қўлидаги пакки пичоқ билан Исмоиловнинг юзини тилиб юборди.

Бекордан бекорга жароҳатланган ва бундан ҳам ҳаяжонланиб, ҳам қўрқиб кетган Исмоилов жон ҳолатда чўнтагидан пакки пичоғини олиб ҳимояга ҳозирланди. Шу пайт Содиқов учинчи марта қўлидаги пичоқ билан унга ташланди. Бироқ бу гал бегона пичоқ ўзининг қорнига кириб кетди...


Октябрь район халқ суди бу жиноят юзасидан уч ойдан ортиқ иш олиб борди. Содиқов қилгиликни қилиб қўйиб судван қуруқ чиқмоқчи бўлди. Бироқ унинг ўз шериклари ва бошқа гувоҳларнинг гувоҳлик бериши ҳамда суд медицина экспертизаси унинг жиноий қилмишини ипидан-игнасигача аниқлаб, ўзини икрор қилди. Комил Содиқов Ўзбекистон Жиноят Кодексининг тегишли молдасига мувофиқ тўрт ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. Бунинг устига аввалги жазонинг ўталмаган муддатидан олти ойи ҳам қўшиб берилиб — беш йил «олди».

Комил Орифжонов икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ўрол Исмоилов икки йилга шартли синаш жазосига ҳукм қилинди.

Жиноятнинг иштирокчилари ўзига тегишли жазони олди. Бироқ, икки кишини озодликдан маҳрум этган, аълочи студентнинг юзига доғ бўлган мазкур жиноятнинг келиб чиқиш жараёни ва сабабларини бир мулоҳаза қилиб кўринг-а? Бизнинг назаримизда арзимаган, оддийгина парса бўлиб кўринган «қиттақ-қиттақ» отиш, шундан кейин пайдо бўладиган ўзини ўзгалардан баланд тутиш ҳисси туфайли бировни камситиш... буёғи яшин тезлигида, қандайдир бир-икки минут вақт ичида содир бўлган жиноят! Мана шу бир-икки минут одамнинг 4—5 йиллик умрига завол бўлди.

Э. ҚОДИРОВ,
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.



ЧОРВОҚ денгизидаги дам олиш зонаси спортчиларга ҳам манзур бўлиб қолди. Бу ерда яқинда Ўрта Осиё ва Қозоғистон спортчилари иштирокида дельтапланеристлар мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон командаси биринчи ўринни эгаллади. Суратда: мусобақа пайти.

Г. Пун фотоси, ЎзТАГ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Бурғитино кўргазмаси. 11.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 — «Тонгги почта». 11.55 — Табиат ва инсон. 12.25 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.50 — Адабий ўқувлар. 13.15 — Инсон. Ер. Коинот. 14.00—Кашф этилмаган ороллар (бадиий фильм). 15.05 — Спортлото. 15.15 — «Здоровье». 15.55 — Қўшиқ байрами. 16.55 — «Ҳам. дўстлик». 17.25 — Ҳайвонот оламида. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.35— Цирк майдонида. 20.15 — «Кураш давом этади». Чили ватанпарвари Чили Компартияси Марказий Комитети сиёсий комиссияси аъзолигига кандидат Хорхе Монтес ҳикояси. 20.35 — «Сокин Одесса» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 00.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20— Холисхон Қодирова куйлайди. 11.10 — Янгра барабан. 11.50 — Шеърият мухлисларига. 12.05 — Телевизион фильм-концерт. 12.30 — Иккинчи синфда ўтирган Иван Семёновнинг ҳаётида уч ярим кун (бадиий фильм). 13.50 — Физкультура ва спорт. 14.20 — Концерт. 18.00 — До-ре-ми-фа-соль. 18.35 — «Советский воин». 19.15 — Ота-оналар университети. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Турна пати» (телеспектакль). 20.50—Нақшлар жилоси. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Куйланг ёш хонандалар. 21.50 — Учрашув. 22.00— «Вақт» (Москва). 22.30 — Гўза ва сув. 22.45 — «У ёлғиз эмас эди» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

31 ИЮЛЬ ЯКШАНБА МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —Зарядқага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Олга болакайлар». 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 «Инсон тақдири» (бадиий фильм). 16.20—Концерт. 16.35 — Халқаро панорама. 17.50 — Оғир атлетика. Европа ва Америка терма командалари ўртасида учрашув. 17.50 — Бугун — СССР ҳарбий-денгиз флоти куни. 18.05 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Бутуниттифоқ иккинчи ёшлар спорт ўйинларида. 20.20 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Фут. бол. СССР кубоги учун ярим финал. «Заря» — «Торпедо» (М). 23.45 — Концерт. 00.35— Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг ёш хонандалар. 10.50 — «Бобо ва кичик барабан» (фильм). 11.00 — Кувноқ стартлар. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 13.20 — Шахмат мактаби. 13.50 — «Замандаш». 14.30 — Реклама. 17.40 — «Старшеклассник». 18.10 — Денгизни севувчилар сизлар учун. 18.30 — СССР Конституцияси лойиҳаси сатрларида. 18.45 — Фильм-концерт. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — И. Исҳоқов куйлайди. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 «Соҳилга руҳсат» (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Она** (катта ва кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Кўзиқоринхўр одам — «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Стажёр — «ЎЗБЕКИСТОН» (куфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Зангори осмон остида — «ДРУЖБА» (21.00).

Кўзгу — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Хаани — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнган гулханлар тафти — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Кўзиқоринхўр одам — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Парм ибодатхонаси — «ХИВА» (21.00).

Тошкент Тўқимачилик комбинати қошидаги 85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ тўқимачилар ва йигирувчилар тайёрлайдиган группаларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Мутахассислик билан бирга ўрта маълумот берадиган группаларда ўқиш муддати 3 йил.

ЎҚУВЧИЛАР КУНИГА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ИШ ҲАҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртини аълочи баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИ МАЪЛУМОТИ БИЛАН КИРГАНЛАР КОМБИНАТ ҚОШИДАГИ ИШЧИ-ЁШЛАР МАКТАБИНИНГ 9-СИНФИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соглиги тўғрисидаги справка (справка формасини билим юрти беради), турар жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: 700092, Тошкент шаҳри.92, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ (ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 14441 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1673.